

## «ЕВРОЎЗ»НИНГ ҚАДАМЛАРИ

Бундан бир ярим йил муқаддам «Ўзбекмебель» Давлат ҳиссадорлик жамияти ҳамда Германиядаги ўзининг жуда сифатли мебель маҳсулотлари билан машҳур «Андиан» компанияси ўртасида қўшма корхона ишга тушган эди. Бу қўшма корхона «Евроўз» деб номланди. Фирма охирги ойларда маҳсулотларнинг ҳар хиллиги ва чиройлилиги билан фойдани кўп ола бошлади. Масалан шу йилнинг беш ойи ичида бир ярим миллион сўм даромад олди.

Албатта бу рақам жамоа ҳамда қўшма корхона бош директори Мирравшан Солиҳовни қувонтирди. Қўшимча даромад корхонага ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот турини кўпайтириш имконини берди. Жамоанинг бу борада ҳозирги кунда амалга ошириш мумкин бўлган режаси бор. Бундай ҳамфикр жамоа ва унинг 30 ёшли директори билан эса ҳар қандай ишларни қилса бўлади. Бу ҳақда кейинроқ.

...Ёғочни қайта ишлаш цехида иш қизғин. Янги ишланган шкаф ўзининг бежиримлиги ва сифатлилиги билан киши диққатини ўзига тортади. Янги мебель турини ишлаб чиқариш бўйича уста Р. Исаев ҳамда технолог-лойиҳачи Н. Кузнецов ҳар бир маҳсулот ўзига хослиги билан ажралиб туришини таъкидлайди. Ҳақиқатан бу ерда ишлайдиган дизайнер ва бадиий безовчилар сермаҳсулдир. Уларнинг ақлзаковати ҳар нарсага қодир. Ишчилар эса ихтирочиларнинг ўйлаб топган лойиҳасини юқори сифатли маҳсулотга айлантиришда устаси фаранглардир. Шунинг учун ҳозирги кунда қўшма корхонада 27 хилдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Телевизор таглиги, ишхона ҳамда меҳмонхона, ётоқхона йиғмалари, курси ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда корхонанинг жиддий рақобатчилари йўқ бўлса ҳам жамоада маҳсулотни сифатли ишлаб чиқариш тушунчаси мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Энди ҳажм жиҳатидан унча катта бўлмаган бу қўшма корхона қандай қилиб ўзининг ишлаб чиқаришини кенгайтиришга эришади, деган савол туғилади. Катта маблағни йиғиштириб олишга қандай эришилди? Нимага деганда корхона ишлаб чиқараётган маҳсулот халқ истеъмол буюмлари ичида биринчи даражали эмас.

— Бугунги кундаги иш маромининг барқарорлигига эришиш учун кўп вақт керак бўлди, — дейди қўшма корхона бош директори Мирравшан Солиҳов. — Чунки қўшма корхонани ташкил қилишдан мақсад жаҳон андозаларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш, республикамизга чет эл маблағини жалб қилиш ва аҳолининг халқ истеъмол буюмларига бўлган талабини қондириш эди. Шунинг учун фирма аста-секин ривожланиб, катта корхонага айланиб бормоқда. Асосий маҳсулотимиз бўлган мебелдан ташқари биз халқ истеъмол буюмларини ишлаб чиқарадиган махсус цех очдик. Хом сурпдан тикилган тўрхалта, қоплар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда бу маҳсулотларга Германияда талаб катта. Шу тариқада немислар ўзларининг мол ўтказиш тармоғи орқали юқоридаги маҳсулотларни сотиб беради. Бу эса ўз навбатида корхонага валюта тушумини оширмоқда. Масалан, яқинда 50 минг АҚШ долларига тенг қоплар Германияга жўнатилди.

Бу қўшма валюта манбаси қўшма корхонанинг ҳамма муаммоларини ечолмайди, албатта. Мисол учун корхонада ишлаб чиқарилаётган мебеллар мижозлар диққатини ўзига жалб қилиши учун уларнинг рангларини хилма-хил қилиш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Шу муаммони ҳал қилиш учун корхона яқинда Франциянинг «Аднези» фирмаси билан ўзи ёпишадиган юпқа парда етказиб бериш бўйича шартнома тузди. Мазкур юпқа парда мебелни чиройлик ва табиий ранг билан таъмирлаши билан бир қаторда инсон саломатлигига ҳам фойдалидир. Айни пайтда бундай юпқа пардаларнинг биринчи қисми олиниб ишлаб чиқаришга қўйилди.

Албатта, фирманинг оёққа туриши учун «Ўзбекмебель» давлат ҳиссадорлик жамияти ёрдам берди. Чунки «Евроўз» қўшма корхонасининг ўзи республикада мебель ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш мақсадида пайдо бўлган эди.

Ҳаммага маълумки, мебель ишлаб чиқаришда ёғоч асосий хом ашёлардан ҳисобланади. Республикамизда ана шу маҳсулотнинг камлиги эса бу соҳадаги корхоналарнинг тўлақонли ишлашини таъминлай олмайди. Қўшма корхона жамоаси бу муаммони тушуниб, уни олдиндан ечишга ҳаракат қилмоқда. Мисол учун бугунги кунга келиб корхонанинг бешта шохобчаси фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг учтаси Москва, Санкт-Петербург ҳамда Красноярск ўлкасида. Қолган иккитаси Андижон ва Қарағанда вилоятларида жойлашган. Биринчи учта шохобча асосан даллоллик вазифасини бажаради. Яъни улар «Евроўз» фирмаси орқали ўлкамиздан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олади. Уни Россияга олиб бориб, ўрнига корхона учун энг ноёб хом ашё ҳисобланган ёғоч маҳсулотларини олиб келади.

Энди корхонанинг келажагига келсак, жамоанинг бу борадаги режалари беқиёсдир. Бошқача қилиб айтганда, келажакда жамоа корхонани бой ва бақувват ҳолда кўришни орзу қилаётир. Улар бекорга кетган ҳар бир соат ҳамма нарсани ўзгартириб юборишини тушунган ҳолда фирма фаолиятини иложи борича кенгайтиришга интилаётирлар. Бу тўғри албатта. Нимага деганда бу кўп қирралилик ҳар бир ишда муваффақият гарови ҳисобланади.

Корхона раҳбарияти бир ишни қилишдан олдин етти ўлчаб бир кесади. Лекин қиёмига етган ишни тезда ҳаётга тадбиқ этади. Масалан, яқинда жамоа билан маслаҳатлашган ҳолда шаҳарда қандолат фабрикасини ишга тушириш режаланган эди. Бунда ҳамма фойда ҳамда сарф-харажат ҳисобланиб чиқилди. Тахминларга қараганда унга сарфланган маблағ тезда ўзини қоплар экан. Шунинг учун корхона шаҳардаги уч қаватли биноларнинг бирини сотиб олди. Ва унинг қурилиш-тиклаш ҳамда пардозлаш ишларига пулни аямади. Германиядан олиб келинган ускуналар эса шоколад маҳсулотларининг 20 та турини ишлаб чиқариш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда «Евроўз» қўшма корхонасининг кўпқиррали фаолияти давом этмоқда.

Ғулом ЮСУПОВ.



*Ҳамкорлик қирралари*

## ТЎЛИҚ КАФОЛАТ БИЛАН

«Тошкент» аэропортини қайта қуриш ва таъмирлаш учун бундан бир неча ой муқаддам фирмалараро танлов эълон қилинган эди. Яқинда шу танлов якунланиб, унда Германиянинг «Штрабаг» фирмаси ғолиб чиқди. Уларнинг иш услублари, таклиф этган лойиҳаларини мутасаддилар талаб даражасида эканлигини маъқул топдилар.

Ҳозирги илиқ-иссиқ кунларни ғанимат деб тушунган фирманинг мутахассислари зудлик билан ишга киришдилар. Улар зиммасига аэропортдаги учиш-қўниш йўлаги, огоҳлантириш дастгоҳлари, учувчиларнинг радиотехника жиҳозларини тўлиқ таъмирлаш юклатилди.

— Бешта самолётга юкланган кичик асфальт-бетон заводи, барча асбоб-ускуналар, ишлайдиган асосий мутахассислар Германиядан келтирилди,— дейди «Штрабаг» фирмасининг муҳандиси Андрэ Шауб.— «Тошкент» аэропортидаги қурилиш Ҳамдўстлик мамлакатларида амалга ошираётган учинчи ишимиздир. Ишни янада пухта ва сифатли бажариш учун асфальтлар таркибини аниқлайдиган тажрибахонани ҳамда унда ишлайдиган ўз ходимларимизни ҳам олиб келганмиз. Йўлак учун ишлатиладиган хом ашё Фарғона, Бекобод ва Оҳангарондан келтирилмоқда. Улар мана шу махсус тажрибахонада текшириб кўрилиб, сўнг ишлатишга рухсат берилмоқда. Тажрибахонага Эльмар Хюллер ҳамда Юрий Скосировлар бошчилик қилишаётир...

Аэропортнинг жанубий қисмида ишлар бошлаб юборилди. «Штрабаг» фирмасининг ишчилари кўрсатилган муддатдан илгарироқ ишни бошлаб юборишди, деб таъкидлайди лойиҳа гуруҳининг бошлиғи жаноб Гроиль. Мўлжалдаги иш жорий йилнинг охиригача тугатилади. Чунки асосий ташкилий ишлар, ишлаш учун ходимлар тўлиқ жамланган. Яқин кунлар ичида икки сменали иш ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Гулнора УМИДЖОНОВА.



*СУРАТЛАРДА: «Тошкент» аэропортида «Штрабаг» фирмаси олиб бораётган ишлардан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



- *«Тошкент» аэропорти таъмирланмоқда*
- *Даромади ортаётган корхона*

# ТОШКЕНТ ТАДБИРКОРИ

- *Ҳунар ўрганаётган маҳалладошлар*
- *Ечимини топган муаммолар*

*Суратли лавҳа*

## ИШБИЛАРМОН ЧЕВАРЛАР

Маҳаллалардаги кўп болали ва ёш болали оналарни иш билан таъминлаш борасида очилаётган кичик-кичик цехларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Уларнинг айримлари эса кичик корхоналарга айланаётир. Худди шундай маҳаллаларни Шайхонтоҳур, Мирзо Улуғбек, Собир Раҳимов туманларида кўришимиз мумкин. Акмал Икромов туманидаги «Шарқ юлдузи» маҳалла аҳли ҳам улардан ўрнак олиб, тикув цехи очишди. Унинг иш бошлаганига эндигина бир йилдан ошди, холос. Лекин шунга қарамай қўли гул тикувчилар турли бичимдаги кийим-кечакларни тикиб беришга ҳаракат қилишаётир.

— Тикув цехимизда атиги 12 нафар хотин-қизлар меҳнат қилади, — дейди цех устаси Нодира Исахўжаева. Ўзимиз озчиликни ташкил этсак ҳам кўпроқ изланишга, хушбичим кийимлар тикишга алоҳида эътиборни қаратаяпмиз. Шунинг учун ҳозирги кунда тикилаётган маҳсулотларнинг тури 21 хилдан ошди. Улар ичида аёлларга, эркакларга, болаларга ва ўқувчи қизларга мос келадиган кийимларимиз бор. Шунингдек ёш болалар учун курткалар ҳам тикаяпмиз.

Тайёр маҳсулотларимиз шаҳримиздаги дўконларда сотилади. Бунинг учун улар сотилган буюмлардан устама ҳақ олиб қолишади. Мана шуни эътиборга олиб, биз шахсий буюртмачилардан ҳам буюртмалар қабул қилиб олиб, уни 20 фоиз арзонга тикиб бераяпмиз. Олинган фойда ҳисобига улгуржи арзонроқ матолардан ҳозирги замонавий моделлардаги кийимларни тикиб чиқармоқдамиз. Энг асосийси маҳалламиздаги аёллар, қизлар иш билан таъминланиб, ҳунар ўрганишмоқда.

Гули АБДУЛЛАЕВА.





*СУРАТЛАРДА: «Шарқ юлдузи» маҳалласининг чеварлари иш устида; тикувчиларнинг тиккан тайёр маҳсулотларидан намуналар.*

*Засим Соколов олган суратлар.*

## БОЗОРИ ЧАҚҚОН МАҲСУЛОТЛАР

Ўшанда 1984 йил бошлари эди. Чирчиқ дарёсининг ўнг ва чап қирғоғида улкан қурилиш ишлари жадал суръатларда бошланиб кетган эди. Бу қурилиш собиқ Иттифоқда энг зарбдор ҳисобланарди. Бир сўз билан айтганда Чирчиқ дарёси қирғоқларида «Тошкент мотор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси дунёга келиши керак эди. Сабаби Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарардию, лекин мотор ишлаб чиқармасди. Яъни бу хом ашё маҳсулотлари бошқа ҳудудлардан ташиб келтириларди. Бу ўз навбатида қўшимча қийинчиликлар туғдирарди. Ундан кейин ана шу моторлар бор-йўғи 60 от кучига эга эди.

Шунинг учун юқоридаги ва бошқа машиналарга керак бўлган двигателларни Тошкентнинг ўзида ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Корхонани лойиҳалаштириш ва уни дастгоҳ ва ускуналар билан таъминлаш мажбуриятини Минск трактор заводи олганди. Лойиҳа бўйича бирлашмада 80-100 от кучига эга бўлган двигателлар ишлаб чиқарилиши мўлжаллланганди.

Корхона қурилиши шу тариқа икки йил давом этди. Шу муддат ичида асосий цехлар, бошқарув ҳамда муҳандислик бинолари қуриб битказилди. Минск мотор заводи ва бошқа жойлардан маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган дастгоҳ ва ускуналар олиб келинди. Маблағнинг йўқлиги туфайли эса 1986 йилга келиб завод қурилиши асосан тўхтади. Бошқача қилиб айтганда «музлатилди». Ва бу 1991 йилгача давом этди.

Фақат республикамиз мустақилликка эришгандан кейин корхонани қуриш ва ускуналарни ўрнатиш жонланди. Натижада бирлашма йилига 70 мингта мотор ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Айниқса 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Италиянинг «Анжинд Свисител» компанияси иштирокида бирлашма қошида «Ўзиталмотор» ҳиссадорлик жамиятининг ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Чунки бу италияликлар ёрдамида бунёд этилган улкан машинасозлик мажмуаси ҳозирги куннинг ўзида республикамиз иқтисодиётини кўтаришда ўз ҳиссасини қўша бошлади.

Италияликлар бу алоқани бошлашдан олдин Ўзбекистон иқтисодиётини ипидан-игнасигача ўрганиб чиқишди. Ана шундан кейингина Италия ва Германиянинг «Шенк», «Берингер» ҳамда «Либхер» фирмаларида ишлаб чиқарилган ноёб дастгоҳлар олиб келиб ўрнатилди. Бу ҳозирги кунда моторнинг мураккаб қисмларини ҳеч қандай муаммосиз ишлаб чиқариш имкониятини беряпти.

Пахта республика иқтисодининг асоси эканлигини ҳисобга олган ҳолда корхона қишлоқ хўжалигини серунум механизмлар билан таъминлашга аҳд қилди. Масалан, ҳозир корхонада сув билан совутиладиган 70 от кучига эга мотор ишлаб чиқарилмоқда. Бу дизелни пахта териш, юк ташувчи ва бошқа машиналарга бемалол ўрнатса бўлади. Бир сўз билан айтганда, ҳозир корхонада бир юз йигирмадан ортиқ турдаги ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотларга нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта. Чунки моторнинг асосий хусусиятларидан бири ҳавони камроқ ифлослантиришга йўналтирилган.

Шуниси эътиборга лойиқки, ҳиссадорлик жамияти таркибида бир неча бўлинмалар мустақил равишда иш кўришмоқда. «ЎзПГС» фирмаси шулардан биридир. Унинг асосий маҳсулоти бир тоннадан беш тоннагача юк кўтара оладиган авто ва электр юклагичлардир. Унинг агрегатлари Италияда ишлаб чиқарилади. Фирма буюртма асосида ишлайди. Лекин унинг буюртмани бажариш вақти унча кўп эмас. Фирмада ишлаб чиқарилаётган қўл аравачасига ҳам эҳтиёж катта. Чунки у бир ярим тоннагача юк кўтара олади.

Шунингдек, қўшма корхонада двигателларни йиғиш жараёнида ишлатиладиган 500 га яқин эҳтиёт қисмни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Шулардан 120 таси мураккаб деталлардир. Бу эса ўз навбатида қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган трактор ва бошқа машиналарни қайта таъмирлашдаги муаммоларнинг ечилишига катта ёрдам бермоқда.

Ҳиссадорлик жамиятининг муассислари собиқ мотор заводи жамоаси, Ўзбекистон саноат-қурилиш банки, Ўзбекистон Республикаси давлат мулки қўмитаси ҳамда «Анжинд Свистал» компанияси бўлди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати эса йилига 45 минг мотор ишлаб чиқаришга етади. Бунда айниқса Италиядан келган мутахассисларнинг ёрдами катта бўлмоқда. Чунки улар маҳаллий ишчиларни самарали ва сифатли ишлашга ўргатдилар. Шу сабаб собиқ Иттифоқ заводлари билан алоқаси узилган, бундан етти-саккиз йил аввал умуман фаолиятсиз турган корхона бугунги кунда юқоридаги муваффақиятларга эришди. Ундан кейин заводда ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган ва келажакка мўлжалланган моторларнинг қуввати ўрта ҳисобда 80-150 от кучига тенгдир.

Қўшма корхона дунёнинг бошқа машинасозлик фирмалари билан ҳам алоқани ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. «Ивеко», «Отойл», «Форд» ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жамият қошида фаолият кўрсатаётган «Такфа» фирмаси бугунги кунда металл қуйишга ихтисослашди. Бу борада фирманинг имкониятлари жуда катта. Нимага деганда корхона тикланаётганда бу ерга энг замонавий металл маҳсулотларини қуядиган ускуналар келтирилганди. Бу эса ҳозирги кунда фирманинг халқ истеъмол буюмлари ҳамда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш имкониятини яратди. Масалан, фирмада ишлаб чиқарилаётган иситиш батареяларига қизиқиш жуда катта. Сабаби алюминдан ишланган бу маҳсулотнинг ишлашига фирма 20 йил кафолат бера олади. Ҳозир бу батареяларга бошқа республикалардан ҳам буюртмалар бор. Россия Федерацияси ва бошқа Ҳамдўстлик давлатлари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда бирлашма ишчи ва хизматчилари бозорни керакли маҳсулотлар билан тўлдиришга қурби тўла етади. Бундан ташқари «Ўзиталмотор» келажакда машинасозлик соҳаси, қолаверса мамлакатимиз иқтисодиётини кўтаришда катта аҳамиятга эгалигига шубҳа йўқ.

Ғайрат ЮНУСОВ.

